Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 29 (13.092)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Пойтахтимиз аҳолисини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда "Тошкент нон" уюшмаси тизимида фаолият юритаётган корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Кейинги пайтда соҳага замонавий технологияларни жорий этган ҳолда бир неча корхоналар иш бошлади.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Улардан бири суткада 24 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Euro Backery" корхонасидир. Энг замонавий немис технологияси ўрнатилган ушбу корхонада бугунги кунда кунига 35-36 минг дона нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

"Тошкентнон" уюшмаси бош технологи Гулчеҳра Ҳошимованинг эътироф этишича, замонавий печлар автомат ва компьютер орқали бошқарилади. Масалан хамирни бўлаклаш, унга шакл бериш тегишли дастур асосида амалга оширилади.

Аҳолини сифатли ва бўрсилдоқ нонлар билан таъминлаётган ушбу корхонада қолипли нондан ташқари 15 турдан ортиқ маҳсулотлар тайёрланмоқда. Янги печлар 50 граммдан бир килограммгача бўлган нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятига эга.

— Замонавий печларда тайёрланаётган бу нонлар шифобахш хусусиятга эга, — дейди цех устаси Гўзал Ортиқова. — Улар жавдар ва буғдой унидан тайёрланиб, анемия, қандли диабет ва бошқа касалликларга фойда, асосан ишлаб чиқаришда нонларнинг ҳар тарафлама сифатли бўлишига эътибор қаратамиз.

"Тошкентнон" ушмаси таркибида иш бошлаган яна бир корхона "Novvot non" масъулияти чекланган жамиятидир. 2014 йилда иш бошлаган мазкур корхонада бир суткада 12 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Корхона раҳбари Донияр Миралиев ёш тадбиркорлардан. Унинг айтишича, технология олиб келиш учун банкдан 560 млн сўм атрофида кредит олинган. Янги технология тежамкор бўлиб, истеъмол қилинаётган газни икки баробар тежашга хизмат қиляпти. Корхона жамоаси келгусида маҳсулот турини кўпайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш устида иш олиб бормоқда.

Айтиш жоизки "Тошкентнон" уюшмаси таркибида бугунги кунда 46 та корхона иш олиб бораяпти. Яна иккита корхона улар таркибига кириш учун ҳужжатларни расмийлаштирмоқда. Тизимга қарашли ишлаб турган корхоналар томонидан бир суткада 350-360 тонна тайёр маҳсулот савдога чиқарилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этилмоқда.

З. ШАРИФЖОНОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ИТАЛИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Жорий йилнинг 11-13 февраль кунлари Италиянинг Милан шаҳрида ўтказиладиган "BIT – 2016" халқаро сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти намойиш этилади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида мамлакатимизда ички ва ташқи туризм янги босқичга чиқди. Замонавий инфратузилма, ранг-баранг маршрутлар ва сифатли хизматлар сайёҳларни ўзига мафтун этмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик ва фаровонлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари хорижликларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда.

Юртимиз туризм индустрияси қадимийлик ва замонавийлик касб этган. Ўзбекистон тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн давлатдан биридир. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Марғилон каби шаҳарларимиз бутун дунёда қадрланади. Хусусан, Самарқанд "The Huffington Post" интернет нашри томонидан инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаса бир марта бориб кўриши шарт бўлган дунёдаги 50 шаҳардан бири сифатида эътироф этилган.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга кенг танитиш мақсадида қатор халқаро компаниялар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Италияда ўтказиладиган туризм кўргазмаси юртимиз жозибасини намойиш этиш учун яна бир имкониятдир.

"BIT" дунёдаги энг нуфузли халқаро кўргазмалардан ҳисобланади. Бу йилги форумда 140 дан ортиқ мамлакатдан икки мингдан зиёд фирма ва компания вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этиши кутилмоқда. Кўргазмада туроператорлар ва сайёҳлик агентликлари, сафари боғлари, экологик, спорт саёҳати, овчилик, меҳмонхона ва транспорт сервиси, озиқ-овқат, соғломлаштириш, оилавий ва тўй саёҳати каби йўналишларга оид ўнлаб бўлимлар иш олиб боради.

"Ўзбектуризм" компаниясидан маълум қилишларича, кўргазмадан ўрин оладиган Ўзбекистон миллий стендида мамлакатимизнинг гўзал масканлари ва тарихий обидалари тасвирланади. Бу иштирокчиларнинг юртимиз ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлишига хизмат қилади. Қадимий шаҳарларимиз, юртимизнинг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги альбомлар, буклет ва нашрлар, халқ бадиий ҳунармандлиги ва амалий санъати маҳсулотлари ярмарка иштирокчилари эътиборига ҳавола этилади. Форумга ташриф буюрувчилар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан ҳам танишиши мумкин.

"BIT – 2016" халқаро сайёҳлик кўргазмаси жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати билан кенг таништириш, хорижий туризм компаниялари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, кўп томонлама шартномалар тузиш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликларни ўрганиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Энергетика – мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим бўғинларидан. Юртимизда бу борадаги салоҳиятни янада мустаҳкамлаш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, юксак самарали техника ва технологиялар билан таъминлаш, энергия ресурсларини тежашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага хорижий инвестициялар жалб қилиниб, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилаётгани ишлаб чиқариш сифати ва салмоғини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир.

"Ангрен" махсус индустриал зонасида фаолият юритаётган "EGL-NUR" масъулияти чекланган жамияти қисқа фурсатда илғор саноат корхоналаридан бирига айланди. Мазкур қўшма корхона 2013 йили "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти ва Жанубий Кореянинг "EG Lightings" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган. Корхона ташқи ва ички объектлар ҳамда саноат корхоналарини ёритишга мўлжалланган энергия тежамкор диодли ёруғлик лампалари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган.

Қўшма корхонада тайёрланаётган ёритиш мосламалари юқори сифати, халқаро стандартларга тўла мослиги, турли иқлим шароитига чидамлилиги, экологик хавфсизлиги билан ажралиб туради.

Маълумотларга кўра, 100 ваттли 1 дона чўғланма лампа 22 ваттли люминесцентли лампага алмаштирилса, бир ойда 23,4 киловатт соат электр энергияси тежалади. Диодли ёруғлик лампаларининг тежамкорлиги бундан-да юқори. Масалан, 5 дона чўғланма лампа диодли ёруғлик лампага алмаштирилса, бир ойда 135 киловатт соат электр энергияси иқтисод қилинади.

– Хонадонимизда ёруғлик диодли лампалардан фойдаланамиз, – дейди тошкентлик Комил Ҳусанов. – Унинг афзалликлари кўп экан. Бу турдаги лампалар нафақат электрни, балки унга сарфланадиган маблағни ҳам тежаш имконини бермоқда. Яна бир жиҳати, диодли ёруғлик лампалари таратаётган ёғду кўзни чарчатмаслиги билан айниқса бизга маъқул бўлмоқда.

Иншоотлару кўчаларни нурафшон қилишга ҳисса қўшаётган "EGL-NUR" корхонаси ишлаб чиқараётган шундай лампалар ҳар қандай мижозга манзур. Бундан фойдаланиб, корхона ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда. Мисол учун, 2015 йилда 174 минг дона маҳсулот тайёрланган бўлса, харидорлар сафи тобора ортаётгани боис жорий йилда бу кўрсаткични 72 фоизга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳсулотларни хорижга экспорт қилишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани мазкур қўшма корхона фаолиятида ҳам қўл келмоқда. Айни пайтда "EGL-NUR" ўз маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қатор мамлакатлар билан музокаралар олиб бормоқда.

– Ўзбекистон хорижий сармоядорлар учун истиқболли мамлакатлардан, – дейди "EGL-NUR" масъулияти чекланган жамияти бош директори Жи Хюнг Сук. – Бу ерга сармоя тиккан ҳар қандай ишбилармон эртага ундан яхши даромад олишидан кўнгли тўқ. Зотан, иқтисодиёти барқарор, бизнес имкониятлари кенг, тинч ва осуда мамлакатда ишлашга нима етсин?! Шу туфайли жаҳоннинг кўплаб етакчи компаниялари Ўзбекистонга катта сармоя киритиб, ўз бизнес лойиҳаларини амалга оширишга ошиқмоқда. 2015 йилнинг 5-6 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестициявий форумда Корея Республикасининг юздан ортиқ компаниясидан кўплаб бизнесменлар иштирок этгани бунинг исботидир. Бошқа қўшма корхоналар қатори бизнинг корхонамиз ҳам қатор солиқ ва божхона тўловларидан озод этилгани Ўзбекистон Президенти томонидан хорижий сармоядорлар учун яратилган улкан имкониятдир.

Корхонада ишчилар учун қулай меҳнат шароитлари яратилган.

– Оҳангарон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежида таҳсил олганман, – дейди ЎзА мухбирига йиғувчи Зиёда Ҳамроева. – Мазкур жамоада икки йилдан буён меҳнат қиламан. Бу ерда йўлга қўйилган "устоз-шогирд" анъанаси ўз ишимни пухта ўзлаштиришимга ёрдам бераётир.

Корхона жамоаси келгусида янги турдаги ёритиш мосламаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни ва ташқи бозорларни забт этишни мақсад қилмоқда.

Хорижий сармоядорлар билан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ирода УМАРОВА

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг навбатдаги гуруҳини давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, она-оналар иштирокида тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўтказилган ўқув-семинарда Кегейли, Чимбой, Қораўзак ва Тахтакўпир туманларидан 67 нафар маслаҳатчи иштирок этди.

● Наманганда Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб "Алишер Навоий ижоди – маънавиятимиз хазинаси" деб номланган назм ва наво кечаси бўлиб ўтди.

● Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Фарғона вилояти кенгаши томонидан "Медиа олам: тенденциялар ва истиқболлар" лойиҳаси доирасида ОАВнинг мустақиллиги ва эркинлигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар самаралари мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Тошкент вилоятининг Қибрай туманида "Ўзбекистон – бағрикенг диёр" деб номланган фотокўргазма ташкил этилди. Кўргазмадан ўрин олган суратларда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат, спорт ва маънавиятни янада равнақ топтириш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик борасидаги кенг кўламли амалий ишлар акс эттирилган.

ЖАҲОНДА

● Пекин темир йўл вокзали хавфсизлик хизмати ходимларининг ишини енгиллаштириш мақсадида ўз ҳудудига кирувчи йўловчиларнинг шахсини автоматик тарзда аниқловчи технологияни жорий этди.

● Тайвань оролининг жануби-ғарбида жойлашган Тайнань шаҳридаги бир нечта бино кучли ер қимирлаши натижасида вайрон бўлди. Табиий офат оқибатида дастлабки маълумотларга кўра, беш киши ҳалок бўлди, камида 300 нафар одам касалхонага ётқизилди.

● Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Томас Бах қочқинлардан тузилган жамоанинг бу йилги ёзги Олимпиадада қатнашишини таъкидлаб ўтди. Айтиш жоизки, ХОҚ юқори малакали қочқин спортчиларни сайёрамизнинг энг нуфузли мусобақаларида қатнашиш учун таклиф қилди. Тахминларга кўра, қочқинлар жамоаси ўнга яқин спортчидан ташкил топади.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқларининг замон билан ҳамнафас фаолият юритишига барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани – буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловлар ставкалари пасайтирилди. Қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди.

Хусусан, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди. Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди. Қайд этиш жоизки, ягона солиқ тўлови ставкасининг камайиши ҳисобига ушбу микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида жорий йилда 58,4 миллиард сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғининг регрессив ставкасини қўллаш тартиби, яъни экспорт улуши сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга, 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда ставка 50 фоизга пасайтирилиши 2016 йилда ҳам сақлаб қолинди.

Шунингдек, жисмоний шахслар даромадларига солиқ юкини пасайтириш мақсадида, 2016 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасининг иккинчи шкаласи 2015 йилдаги 8,5 фоиздан 1 фоизли пунктга камайтирилиб, 7,5 фоиз қилиб белгиланди. Натижада 235 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ишчи ва хизматчиларнинг ихтиёрида қолиш имконияти яратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим имтиёзлар муддати узайтирилди. Жумладан, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар амал қилади.

Тўқимачилик саноати корхоналари учун мол-мулк солиғи тўлашдан озод этиш бўйича берилган имтиёзнинг муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Қонунчиликка киритилган яна бир муҳим ўзгартишларга кўра, автомобиль транспорти соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналар ходимлар сонини 25 нафардан 50 нафаргача оширса, кичик бизнес субъектларига берилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

2016 йилдан бошлаб мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фойда солиғини рентабеллик даражасидан келиб чиқиб тўлайди. Яъни, рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлганда – 7,5 фоиз ставкада, рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлганда фойда суммасига – 50 фоиз ставкада солиқ солиш белгиланди. Фаолиятни юритиш жойидан қатъи назар, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ, шунингдек, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотувчи корхоналар учун 2016 йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови ставкаси унификация қилиниб, товар айланмасига нисбатан 4 фоиз миқдорида белгиланди.

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб норуда қурилиш материалларига ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари бирхиллаштирилди. Эндиликда улар учун ягона 5 фоизлик ставка белгиланди.

Шу билан бирга, ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалиги ерларининг қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорида белгиланди. Бунда 2016 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги "Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ аниқланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши тартиби жорий қилинди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2015 йил даражасида ўзгаришсиз қолдирилди. Мазкур солиқ ставкаси йил бошига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан, яъни 130 240 сўм 2016 йилнинг 1 январь ҳолатидан келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилмайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг амалдаги ставкаси 15 фоизга индексация қилинди ва солиқнинг асосий ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,5 фоиз миқдорида белгиланди. Алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан 500 кв.метргача бўлган турар жой ва квартираларга 1,8 фоиз, майдони 500 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун эса 2,5 фоиз қилиб белгиланди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни кадастр ҳужжатларидаги инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, бироқ 3 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдордан солиқ ҳисоблаш тартиби жорий қилинди.

Солиқ муносабатларини такомиллаштириш мақсадида, 2015 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Солиқ кодексининг 39-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, жисмоний шахсларга мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш учун хабарномани уларга берилганлигини тасдиқланган ҳолда топширилиши билан бир вақтнинг ўзида тўлов хабарномаси, солиқни тўлаб бериш тўғрисидаги талабнома вазифасининг ҳам бажарилиши белгиланди.

Давлат солиқ хизмати органига камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган солиқ тўловчиларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилди.

Кирим қилинмаган товарлар учун қўлланиладиган молиявий жарима, 2016 йил 1 январдан бошлаб, ушбу кирим қилинмаган товарлар суммасининг 100 фоизи ўрнига 20 фоизи миқдорида ундирилиши белгиланди, яъни 5 баробарга камайтирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги Фармони билан акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларни рағбатлантириш бўйича берилган солиқ имтиёзларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2015 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлашдан, хорижий мутахассисларнинг бошқарув ходимлари сифатидаги фаолиятидан олган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун ҳужжатларига киритилаётган мазкур ўзгаришлар мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янада модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, агросаноат мажмуасини жадал ривожлантириш, экспорт салоҳияти ўсишини таъминлаш, пировард натижада мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Сайёд ДЖУМАБАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Чилонзор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 19 январдаги 57-сонли хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Чилонзор туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан,

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Б.Султонов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Д.Холдоров) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Учтепа тумани тармоқ администратори (С.Хусаинов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.Chilonzor.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Далабаев зиммасига юклансин.

Чилонзор тумани ҳокими
Т.Мирхидоятов

2016 йил 21 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ МОБИЛЬ ДАСТУРИ

Маълумки, мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган суғурта хизматлари соҳаси муҳим ўрин тутади. Шу боис ёш авлодда суғурта маданиятини шакллантириш, уларга суғурта афзалликларини кенг тушунтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 3 апрелдаги "Иқтисодиётнинг реал секторида ахборот коммуникация технологияларини тадбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi"да "Молиявий ҳисоб-китоб, ҳисоботлар ва суғурта фаолиятини технологик компьютерлаштириш бўйича ахборот тизим мажмуасини жорий этиш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ёш авлод ўртасида суғурта маданиятини янада шакллантириш, аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини бизнес жараёнларига тадбиқ этиш ҳамда аҳолининг суғуртавий ҳимоялаш доирасини кенгайтириш мақсадида "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi" пойтахтимиздаги ИНХА университети билан ҳамкорликда "IT in Insurance: Mobile APPs" танлови лойиҳасини ташкил этди. Ушбу танлов 2015 йил декабрь ойининг иккинчи ярмида эълон қилинган бўлиб, танлов шартларига кўра иштирокчилар "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi" масъул мутахассисларидан иборат ҳайъат аъзолари томонидан 5 та жамоа финал босқич учун танлаб олинди.

Финал босқичида жамоалар тайёр мобиль дастур лойиҳаларини тақдим этишди. Танлов натижаларига кўра, Нодирбек Холиқулов, Рашид Тожибоев ва Қудратилло Исматов каби фаол ёшлардан ташкил топган жамоалар ғолиб деб топилди.

ИНХА университетида ғолибларни тақдирлашга бағишланган маросимда "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi" АЖ бошқаруви раиси С.Насретдинов ва ИНХА университети ректори Ш. Шерматовлар танлов ғолиби деб топилди, иштирокчиларга эсдалик совғалари ҳамда суғурта полисларини топширишди.

— Танлов жудаям қизиқарли ўтди, — дейди ИНХА университети талабаси Н. Холиқулов. — Унда барча иштирок этган жамоалар мобиль дастур яратишда анчайин тажриба орттириш имкониятига эга бўлдик. Бундан ташқари биз суғурта ва маркетинг йўналишлари бўйича ҳам кўп маълумотлар олдик.

Тадбирни ўтказишдан мақсад ушбу танлов лойиҳаси орқали келгусида ёшларда суғурта маданиятини шакллантириш, давлатимиз томонидан суғурта соҳасида яратилган имкониятлар, шарт-шароитларни кенг тарғиб этиш, ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, ўзлари қизиққан соҳанинг етук мутахассислари бўлиб етишишлари учун кўмаклашишга қаратилган.

Ушбу лойиҳа компания ва ИНХА университети ўртасидаги илк ҳамкорлик бўлиб, кейинги босқичда ИНХА талабалари "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi" учун энг яхши информацион дастур таклиф қилишлари ва ғолиб чиққан лойиҳани амалда ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш режалаштирилган.

Ш.ЗОКИРОВ



Замонавий технология — муваффақиятлар омили

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда парламент қуйи палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари яратилган бўлиб, меҳнат жараёнидаги хавфсизлик, сиҳат-саломатлик ва иш қобилиятини сақлашни таъминлашга қаратилган юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Халқаро меҳнат ташкилоти ратификация қилган конвенциялар меъёрлари ижроси доирасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳасида кўзда тутилган янги нормалар халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ даражадаги меҳнат шароитларини яратиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, иш берувчилар сони ортиши иқтисодиётимизнинг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Қонун лойиҳасидаги иш берувчиларга қўйиладиган талабларни кучайтириш, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган нормалар қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини янада маромига етказиш бўйича таклифлар билдирилди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич, ҳудудий партия ташкилотлари ўртасида яқин ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилишида O'zLiDeP тузилмалари ва депутатларнинг муҳим вазифаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партиянинг туман кенгашлари раҳбарлари иштирок этган йиғилишда депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъуллигини ошириш, жойлардаги долзарб масалаларни ўрганиш, бунда бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини кенг йўлга қўйишни тизимли ва самарали ташкил қилиш хусусида сўз борди.

Ўқув машғулотларида депутатлар турли идоралар раҳбарларининг қонунлар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан эшитувларини ташкил этишнинг муҳим ва таъсирчан усулларини ишлаб чиқиш, бошланғич ташкилотлар ва халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг жойлардаги долзарб масалаларни ўрганиши ҳамда уларни ҳал этиш бўйича фикр алмашди.

– Ўтган йили ўттиздан зиёд назорат-таҳлил тадбири ўтказиб, маҳаллий ҳокимликлар ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ахборотларини эшитдик, – дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Ҳосил Холматов. – Турли масалалар бўйича тегишли идора ва ташкилотларга 98 та депутатлик сўрови йўлланиб, барчасига жавоблар олинди. Бугунги семинарда билимларимизни янада бойитдик. Ўйлаймизки, бу каби ўқувлар келгусида фаолиятимизни янада самарали ташкил қилиш борасида ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамиятга эга.

(ЎзА)

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Ўзбектеатр" бирлашмаси, "Камолот" ЁИҲ ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида Ўзбек миллий академик драма театрининг халқ эъзозидаги санъаткорлари иштирокида ижодий учрашув ташкил этилди.

Таълим муассасасининг фаол, ташаббускор ёшлари иштирокидаги мазкур учрашув "Театр дунёсининг сир-синоатлари!" деб номланди. Тадбирда эл ардоғидаги, образлари орқали халқ кўнглидан жой олган актрисалардан, Ўзбекистон халқ артисти Муқаддас Холиқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева ва Феруза Бобоёровалар қатнашди.

Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ёшларнинг маънан соғлом бўлиб тарбия топишларига ҳамда маданий ҳордиқ чиқаришларига замин яратади, десак муболаға бўлмайди.

Учрашув давомида сўзга чиққанлар юртимизда санъат, маданият ва спортга берилаётган эътибор натижасида ўзбек санъати янада юксалаётганини алоҳида таъкидлашди. Эл севган санъаткорлар театр дунёсига кириб келишлари, илк роллари ва манзур бўлган қаҳрамонлар қиёфасини жонлантириш завқи ҳақида талаба-ёшларга сўзлаб беришди.

— Камол топиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, дунё саҳнида рўй бераётган, ҳозирги кунда долзарб муаммоларга айланаётган ёт ғоялар таъсиридан асраш ва булардан ёшларимизни огоҳ этиш муҳим масаладир, — дейди "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси ўринбосари Фоят Тўлаганов. — Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, бу гаплар бежизга айтилмаган. Ёшларимизни бўш вақтларини унумли ўтказиш уларни кўпроқ спорт, санъат, адабиётга жалб қилишимиз керак. Мустақил Ўзбекистонимизда ёшларимизга берилаётган эътибор, ғамхўрликлар, қўллаб-қувватлашлар ёшларга бўлган эътиборнинг йилдан йилга ўсаётганидан далолат бериб турибди.

Тадбир сўнгида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ҳамда актрисаларнинг жонли ижродаги хонишидан баҳраманд бўлдилар.

Феруза МИРЗААҲМЕДОВА



Семинарлар

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Миробод тумани халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли "Ниҳол" номидаги 60-махсус мактабгача таълим муассасасида тумандаги дефектолог ва логопедлар иштирокида кўргазмали семинар ташкил этилди.

Айтиш жоизки, анжуманни ўтказиш учун ушбу муассаса бежиз танлангани йўқ. Зеро, мазкур ММТМ 1995 йили ташкил этилган бўлиб, бу ерда нутқида нуқсони бор болажонларнинг тарбияланишлари учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Кейинги пайтда тарбиячи мутахассисларнинг олиб борган изланишлари натижасида муассасада илғор тажрибалар тўпланди.

Махсус ва оммавий мактабгача таълим муассасалари дефектолог ва логопедларининг ўзаро тажриба алмашувини ташкил этиш мақсадида уюштирилган семинарга ташриф буюрганлар таълим муассасаси педагоглари томонидан нутқида нуқсони бор болалар билан ишлаш бўйича тажрибалар, ҳужжатларни юритиш ишлари билан танишдилар, тадбирнинг назарий қисмида тақдимот шаклида интерактив мулоқот ташкил этилган бўлса, унинг амалий қисмида якка тартибда фаолият юритиш, дизартрия ташхиси қўйилган болаларда айрим товушларни мустаҳкамлаш, логопедик уқалаш жараёни кўрсатиб берилди. Шунингдек, 60-ММТМ тарбияланувчилари томонидан тайёрланган "Болакай Насриддин ва унинг дўстлари" саҳна кўриниши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Муассасамизда бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади, — дейди 60-ММТМ раҳбари М. Жўраева. — Бугунги анжуманда ҳам болажонлар ўз қўллари билан ясаган ўйинчоқлар кўргазмасини намойиш этишди, уларнинг иши баҳоланиб, эсдалик совғалари топширилди.

Даврон НУРМАТОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Доно халқимизда "Оққан дарё оқмай қолмас" деган нақл бор. Бугунги ёшлар эртанги келажак таянчи ва суянчи. Шу боис улар ҳамиша ўқиш, ўрганиш, изланишда. Муҳими кимдан нимани ўрганишни, уқишни, кимга эргашишни аниқ англаб олиш зарур. Акс ҳолда ҳар хил ёт ғояларга эргашиб, инсонга бир марта бериладиган умрни хароб этиш, хатарларга қўйиш эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ёшларнинг онги ва тафаккурининг шаклланишида, уларни тарбиялашда, атрофда содир этилаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлик билан эмас, аксинча мунтазам равишда огоҳ, сергак бўлиш, ўз она Ватанига муҳаббат, тарихига, маънавий меросига ҳурмат, эътиқодига садоқат руҳида тарбиялаш учун, улар қалбида ва онгида ҳамиша уйғоқликни, безовталик, теранликни кучайтириш зарур, шундагина кўзланган натижага эриша оламиз. Бугунги замон цивилизациясидан ортда қолмай, у билан баравар юришга интилиш, янада баландроқ, юксакроқ мақсадларни, марраларни кўзлаш айни муддао.

Биргина мисол, юксак техник тараққиёт ҳосиласи бўлган интернетдан бугун ёшлар, нафақат улар, балки барчамиз иштиёқ билан фойдаланмоқдамиз. Шуни таъкидлаш жоизки унинг уммондек улкан тармоғининг ижобий имкониятлари билан бирга айрим сайтларида турли қора кучлар томонидан ёт ғоявий қарашларни тарғиб этишда хусусан, диний-экстремистик ва террористик ташкилотлар томонидан аҳоли, айниқса ёшлар онгини заҳарлаш, бошдан-оёқ фитнадан иборат кирдикорларига, ўз манфур ғояларига эргаштириш борасида қилаётган маънавий таҳдидларини қўллашда қурол воситасига айланаётганлиги ғоят ташвишланарли. Бу ҳол ҳар биримизни ҳар дақиқа янада огоҳ бўлишга, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган жаннатмакон юртимиздаги барқарорликни мустаҳкамлашга, ёшлар тарбиясида масъулиятни янада оширишга даъват этади.

Сабаби, "ўргимчак тўри"дан тарқатилаётган ахборотлар орасида бузғунчи руҳдаги ғояларни илгари сурувчи ахборотлар ҳам талайгина. Уларнинг замирида диний ниқоб билан яширинган зўравонлик ғояларини тарқатиш, қарама-қаршилик, тўстўполон ва қирғин, қўпорувчилик, босқинчилик каби ваҳшиёна хатти-ҳаракатлар эвазига бойлик орттириш каби ғаразли мақсадлар ётади.

Маълумки, мамлакатимизда 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Қонунга мувофиқ ёшларни турли зарарли ахборотлардан ҳимоялашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Зеро, ҳеч бир тадбир ўз-ўзидан бўлмайди. Унинг заминида машаққатли меҳнат, изланиш мужассам. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат бош ислоҳотчи бўлган давлатимизнинг ёшлар масаласига доир асосий йўналишларни изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш имкониятини берди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Ҳеч кимга сир эмас, бугун ғоялар кураши авж олган мураккаб замонда яшамоқдамиз. Жаҳоннинг турли давлатларида содир бўлаётган воқеалар ривожи, онгу шуури заҳарланган бадкирдор кимсалар ноғорасига ўйнаётган тўдалар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликларга қўл уришмоқда. Интернет тармоғининг айрим сайтлари буларни ундан фойдаланувчиларга кўз-кўз қилмоқда. Натижада ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшларда атрофда рўй бераётган ўзгаришларга қизиқиш, иккиланиш, шубҳаланиш ортиб, саволлар гирдобида қолмоқдалар. Ёшларни оқни қорадан ажрата билишда эса яқиндан кўмаклашиш, уларни эҳтиёт қилиш, турли зарарли ғоялардан ҳимоялаш ҳозирда барчамизнинг энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар қамровини янада кенгайтириб, давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокини фаоллаштирди десак янглишмаймиз. Ички ишлар вазирлигининг бевосита тегишли соҳавий хизматлари билан бошқа вазирлик ва идоралар томонидан бир неча йилдирки дастур бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда, натижалар сарҳисоб қилиниб, янги режалар асосида ҳамкорликдаги ишлар давом эттирилмоқда.

"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ота-оналарнинг фарзандлари бўш вақтини назорат қилишдаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Бунинг учун эса аввало назорат, шахсий масъулият, жонкуярлик, айниқса ота-оналарнинг жиддий кузатуви остида бўлишга алоҳида эътибор бериш керак. Акс ҳолда онги ҳали анча заиф, ёш новда интернетдаги маънавий таҳдидлар, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиши ва охир-оқибат ўз яқинларига, киндик қони тўкилган тупроғига хиёнат қилиши, оғир нохушликларга ғарқ бўлиши мумкин.

Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматининг ходимлари тегишли соҳавий хизматлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда бу йўналишда "Ўсмир", "Давомат", "Ўқувчи", "Ғамхўрлик", шунингдек, бошқа профилактик тадбирларни ўтказиб келмоқдалар.

Ҳар бир инсон у хоҳ каттадир, кичикдир мустақил фикр, соғлом дунёқарашга эга бўлиши, уни оқ ювиб, оқ тараб ўстираётган ота-онасининг, эзгулик тарафдори бўлган инсонларнинг насиҳатларини эътиборга олиши, неча асрлардан буён синовдан ўтган миллий қадриятларимизга таяниб, тўғри йўлдан адашмасдан иш кўриши лозим.

Афсуски, интернетдан айрим нопок инсонлар ёвуз мақсадларда фойдаланиб, айрим ижтимоий сайтлар орқали диний экстремистик ва террорчи ташкилотлар ислом таълимотининг баъзи ғоя ва тамойилларини мазмун-моҳиятини бир ёқлама, нотўғри изоҳлашга ва одамларни адаштиришга уринмоқдалар. Орамизда ғаламисларнинг тузоғига илиниб, тўғри йўлдан адашганлар ҳам учрамоқда. Улар олтиндан қиммат ёшлигини бой бериб, бегона ўлкаларда сазойи бўлмоқдалар. Бундай ачинарли қисмат, турли бало-офатлар бошга тушмаслик, бепарволик ва лоқайдликка берилмаслик учун ҳар биримиз ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз шарт.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият органлари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг таклифлари асосида 2016 йилда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилган. Масалан, ушбу ҳужжатнинг 6-йўналишида ёшлар, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган "Ёшлар ва қонун" тарғибот лойиҳасини амалга ошириш, умумий ўрта мактаблар ўқувчилари ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилишга қаратилган "Яшил чироқ" мусобақалари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилишга қаратилган "Ёш ўт ўчирувчи" мусобақаларини ташкил этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ва бошқа кўплаб таклифлар киритилган ва уларнинг ҳамкорликда ижроси қўллаб-қувватланган.

Хулоса ўрнида айтганда, ёшларни оҳанграбодек ўзига тортаётган интернет "тўрида" уларни адашишдан асраш, ёт ғоялар, ақидапараст оқимларнинг диний экстремизм ва терроризмнинг жирканч кўринишлари домига тушиб қолмасликларига барча масъул ва бедор бўлиши умуммиллат ишига айланиши кераклигини доимо ёдда тутайлик.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими

АЛЛОМАЛАР ИЖОДИ – ЎҚУВЧИЛАР НИГОҲИДА

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Навоий ва Бобур ижоди ёш билимдонлари" кўрик-танлови ўтказилди.

Умумтаълим мактабларида ўтказилаётган "Навоийхонлик" ва "Бобурхонлик" ойлиги доирасида ташкил этилган ушбу танловда Тошкент шаҳридаги барча туманлардан саралланган мактаблар жамоалари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёш авлодни улуғ аждодларимизнинг ўлмас мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг бу борадаги билимини бойитиш ва рағбатлантириш мақсадида кўрик-танловлар, маънавий-маърифий кечалар ўтказилмоқда.

Танлов давомида ўқувчилар ғазал таҳлили, мумтоз асар ижроси, ижодкор ўқувчи каби шартларда алломалар меросини қай даражада билиши, тушуниши ва таҳлил эта олишини намойиш этди. Аждодларимиз асарларида тараннум этилган тинчлик ва фаровонлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, яратувчанлик, ободлик каби эзгу ғоялар саҳна кўринишлари, рақслар, куй-қўшиқларда акс этди.

Мирзо Улуғбек тумани ўқувчилари биринчи ўринни эгаллади. Ғолиб жамоалар ва фаол ўқувчиларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Жамғармалар фаолиятидан

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини ошириш, оилалар мустаҳкамлигида албатта, нуронийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Кексалар хонадонларимиз кўрки ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадрият ва анъаналар, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгаларидир.

Ортда қолган йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номланишида ҳам, бу борада қабул қилинган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ҳам кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиромнинг яққол ифодасини кўриш мумкин.

Яшнобод тумани "Нуроний" жамғармаси томонидан ҳам ўтган 2015 йил давомида кексаларни эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида бир қатор аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилди.

Туман "Нуроний" жамғармаси раиси Акбар Ҳидоятов бу ҳақда бир қатор фикрларни билдириб ўтди.

Жамғарма томонидан ўтган "Кексаларни эъзозлаш йили"да 320 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига рангли телевизор, мобиль телефонлар совға қилинди, 43 нафар уруш қатнашчисининг уйлари таъмирлаб берилиб, 28140 нафар кексалар тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Айниқса, 2015 йилда "Кексаларнинг дуосини олайлик" мавзуида ўтказилган элликдан ортиқ тадбирлар нуронийларимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Бу билан кексаларга кўрсатиладиган ишларимиз тўхтаб қолмайди, балки ҳар бир ўзбек хонадонларида давом этади, чунки миллий қадриятларимиз абадий. Токи бугун хизматда бўладётган ёшларимиз ҳам эртага кексайгач, бундай ғамхўрликдан ўзлари ҳам баҳраманд бўлишларини тушуниб етмоқдалар.

— Биз шундай тинч ва фаровон, эрки ўзининг қўлида бўлган замонда, инон-ихтиёримиз билан, ўғил ва қизларимиз даврасида нуронийлик манзилига етиб келдик, — дейди раис фикрини давом эттириб. — Мамлакатимизда соғ-саломат юришимиз, даволанишимиз, дам олишимиз, моддий таъминотга эга бўлишимиз учун ғамхўрлик кўрсатилмоқда, яқинларимиз эса бизга парвона.

Албатта, пиру бадавлат қарияларимизнинг маҳалла орасида ҳам ўз ўрни бор. Айниқса, адабиёт ва санъат, илм-фан соҳаси кекса ижодкорлари зуваласи илм билан пишигани учун уларнинг илми кексайганида ҳам оиласи ва жамиятга таянч бўлади. Улуғларимиздан бири: "Илм саҳрода дўст, ҳаёт чорраҳаларида таянч. Ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зеб-зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир" деганлар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юртимизда кексалар ҳамиша эъзозда. Катталарга ҳурмат-иззат кўрсатилар экан, ўсиб келаётган авлод ҳам мана шу руҳда камол топиб, келажакда ўзлари кўзлаган эзгу мақсадларга албатта етадилар.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ,
фахрий журналист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 28.03.2005 йилда №001092-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MESSIAN ENTPRS" МЧЖ (ИНН 205566624) тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида +99893 513-58-74 телефон рақами орқали қабул қилинади.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ — БАХТЛИ ОИЛА



Муҳаммад Амин олган сурат

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида спортни оммалаштиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Жисмоний тарбия, спорт машғулотлари одамларнинг кундалик ҳаёт тарзига айланмоқда.

Тошкентлик моҳир теннисчилар Сабина ва Элина Шариповаларнинг спортга иштиёқи оила муҳитида шаклланган. Ушбу оилани маҳалладошлари спортчилар оиласи, деб атайди. Оила бошлиғи Алфред ака футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасида, миллий чемпионатимизда тўп сурган, хорижий клубларда ўйнаган. Динара опа енгил атлетика билан шуғулланган.

– Инсон феъл-атворидаги энг яхши хислатлар, дунёқарашини белгилайдиган мезонлар, аввало, оила бағрида куртак ёзади, – дейди Алфред Шарипов. – Оилада болаликдан спорт билан шуғулланишга ўрганган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Ҳар бир ўғил-қизнинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шаклланиши, нималарга қизиқиши оиладаги тарбия билан чамбарчас боғлиқ.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган ва замонавий спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган болалар спорти мажмуалари, стадионлар, гимнастика марказлари, сув ҳавзалари, спорт заллари ва майдонлари доимо ёшлар билан гавжум.

Сабина Шарипова саккиз ёшида илк бора қўлига ракетка олиб, теннис тўгарагига борди. Республика олимпия захиралари теннис мактабида тажрибали мураббийлар қўл остида шуғулланган Сабина шаҳар ва республика миқёсидаги мусобақаларда ғолибликни қўлга киритди. У ўн тўрт ёшида Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинди.

Сабина тез орада турли нуфузли мусобақаларда ўз иқтидорини намоён этди. Халқаро теннис федерацияси (ITF)нинг ўн олти ёшгача бўлган теннисчи қизлар рейтингида 12-поғонагача кўтарилди. "Катта дубулға" туркумига кирувчи "Australian open" турнирининг ўсмирлар ўртасидаги баҳсларида чорак финалга қадар етиб борди. Ўн беш ёшида пойтахтимизда Халқаро хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) таснифига кирувчи "Тошкент опен" турнирида илк бора иштирок этди. Ҳозирги кунга қадар у ITF ва Future таснифидаги мусобақаларнинг тўққизтасида зафар қучган.

– Халқаро майдонда эришаётган ғалабаларимиз Президентимиз томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир, – дейди ЎзА мухбирига Сабина. – Юртимизда ёшларнинг теннис билан шуғулланиши учун халқаро талабларга мос кортлар, спорт мажмуалари барпо этилган. Биз, ёшлар яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Элина Шарипова ҳам опасига ҳавас қилиб теннисга меҳр қўйган. Бугун у ҳам Республика олимпия захиралари теннис мактабида таҳсил олмоқда. Спортчи сифатида ўз олдига юксак мақсадларни қўйган, янгидан-янги марраларни забт этишга интилаётган мамлакатимизнинг ёш теннисчилари сафига қўшилган.

Элина ўз тажрибасини ошириш мақсадида тажрибали теннисчилар билан ўтказиладиган маҳорат сабоқларида мунтазам қатнашиб келмоқда. У ҳозирга қадар шаҳар ва республика чемпионатларида ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой эгалламоқда.

Алфред ва Динара Шариповлар бугун фарзандларининг спорт соҳасида эришаётган ютуқларидан хурсанд.

– Мен спортчилик фаолиятимни якунлаганимдан сўнг, мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаяпман, – дейди Динара Шарипова. – Аввалларидан, жисмоний тарбия дарслари шунчаки юзаки, чигалёзди машқлари билан ўтказилгани боис болаларнинг кўпчилиги ушбу дарсларга кирмас эди. Бугун эса ҳар бир жисмоний тарбия дарслари учун махсус машқлар ишлаб чиқилган бўлиб, дарс жараёнлари назоратга олинган. Бу келажакда фарзандларимизнинг соғлом бўлиб вояга етишлари учун катта замин бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар жуда кўп. Ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етаётган бу авлод келажакда соғлом фарзандларни дунёга келтиради, уларда ҳам спортга меҳр уйғотади.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

Футбол янгиликлари

Кеча Тошкентдаги "Бунёдкор" стадионига йиғилган минглаб мухлислар Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичига саралаш баҳсида "Бунёдкор" ҳамда БААнинг "Ал-Шабаб" жамоалари ўртасидаги плей-офф учрашувига гувоҳ бўлишди.

МУХЛИСЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Шу ўринда айтиш жоизки, "Бунёдкор" ўтган йили ҳам Осиё чемпионлар лигаси саралаш ўйинда "Ал-Жазира" клубини мағлуб этиб гуруҳ босқичига йўлланма олган эди.

Жорий йилда ҳам бу анъана бузилмади. Тошкентликлар "Ал-Шабаб" жамоасига қарши учрашувга жиддий тайёргарлик кўрганликларини исботлашди. Учрашувнинг илк дақиқаларида жамоадошлари бошлаган ҳужумни Элдор Шомуродов самарали якунлаб, рақиблари дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни 1:0 га етказди.

Умуман олганда учрашувда ҳамшаҳарларимиз яққол устунлик қилишди. Тезкор, сермазмун ва ҳужумкор ўйин намойиш этган "Бунёдкор" аъзолари 35-дақиқада яна рақиб дарвозасини аниқ нишонга олишди. Гол муаллифи Элдор Шомуродов бўлди. 2:0.

Иккинчи бўлимда ҳам мезбонлар устунликни сақлаб қолишга интилишди. Аммо, дарвозаларга бошқа гол киритилмади.

Энди "Бунёдкор" ушбу нуфузли турнирнинг гуруҳ босқичида ўйнайди.

ПОЙТАХТ ЖАМОАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Жорий йилдан олий лигада тўп сурадиган пойтахтимизнинг "Обод" жамоаси ҳам мавсумга жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Ўқув-машғулот йиғинида "Обод" мураббийлари футболчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига жиддий эътибор қаратишмоқда. Шу боис ҳам Бекободнинг "Металлург" клубига қарши "Обод" жамоаси назорат-ўртоқлик баҳсида майдонга тушди. Тошкентликлар сафида тажрибали ҳужумчи Павел Соломиннинг ҳаракат қилганлиги "Обод"нинг 2:0 ҳисобида зафар қучишини таъминлади дейиш ўринли. Қизиқарли кечган беллашувда "Металлург" дарвозасини Шоҳруз Норхонов ва Алишер Азизов аниқ нишонга олди.

Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорликларида пойтахтимизда дарвозабонлар мураббийлари учун иккинчи марта Leve 1 ўқув курслари уюштирилди.

МУРАББИЙЛАР МАЛАКАСИ ОШАДИ

Ўқув-семинарини Осиё футбол конфедерацияси инструктори малайзиялик Крис Йонг олиб борди. Ушбу ўқув курсларида 11 нафар мураббийлар иштирок этишди. Ушбу курсларда собиқ дарвозабонлар — Руслан Ахмедхонов, Қобилжон Олимжонов, Нурилло Ҳабибовнинг ҳам иштирок этганлиги таҳсинга сазовор. Чунки малакалари ошган ушбу мураббийлар курсда ўрганганларини албатта футболга татбиқ этадилар. Leve 1 сертификатини қўлга киритган дарвозабонлар мураббийлари кейинчалик Leve 2 ва Leve 3 даражалари учун ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Яшнобод туманидаги Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Соғлом оила" шиори остида туман тармоқ касаба уюшмаси хизматидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган ишчи ва хизматчилардан ташкил топган оилавий спорт мусобақаси ўтказилди.

Туман Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақада "МДС-Сервис" ҚК МЧЖ, Яшнобод компьютер технологиялари, Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежлари, Яшнобод туман ва Бектемир туман Ободонлаштириш бошқармалари ва "Восток-Холдинг" МЧЖ ташкилотлардан жами 12 нафар ҳаваскор оилавий спортчилар қатнашди.

Мусобақа югуриш, акробатика ва тўпни нишонга отиш, "Чаққонлик ва мерганлик" эстафетаси, "Моҳир ҳужумчи", "Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни бошлаймиз", тезлик эстафетаси, эпчиллик эстафетаси, арқон тортиш ва бир жамоа эстафетаси каби шартлар асосида ўтказилди.

Қизиқарли, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган ва дўстона руҳ, байрамона кайфият ҳукм сурган мусобақада ғолиблар аниқланди. Жамоалар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган оила вакиллари туман босқичига чиқиш имкониятига эга бўлдилар.

Тадбир сўнгида мусобақада қатнашган барча иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар улашилиб, юқори ўрин олганларга дипломлар топширилди.

* * *

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, ходимларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи орқали муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Юнусобод тумани Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши тармоқ тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ишчи ва хизматчилардан ташкил топган оилавий спорт мусобақаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди. Оилавий спорт мусобақасининг биринчи босқичи тумандаги йирик корхона ва ташкилотларда кўтаринки кайфиятда ўтказилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. "Раупхон", "Шокир-Дилшод Сервис", "Бахт-Назр" масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа ташкилотлар ходимларидан иборат оилавий жамоалар турли шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— "Соғлом оила" шиори остида ўтказилган мусобақа Соғлом она ва бола йилига бағишлаб, меҳнаткашларнинг бўш вақтларини сермазмун ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, ходимларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларини кундалик турмуш тарзига айлантириш мақсадида ўтказилди, — дейди Юнусобод тумани Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилоти ходимлари касаба уюшма Кенгаши раиси Камолиддин Худайбердиев.

Зиёда РАСУЛОВА

2015 йил декабрь ойида Озарбойжоннинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган 4-халқаро кўргазмада йигирмага яқин давлатдан келган ҳунармандлар ўз ижодий ишларини намойиш этди. Улар орасида ўзбекистонлик Жасур Жумаев ҳам бор эди. Унинг сомон санъати асосида ишланган "Кураш" ва "Шахмат" картиналари кўпчиликда қизиқиш уйғотди ва махсус сертификат билан тақдирланди.

Жасур Жумаев ҳар гал бирор ютуққа эришганида болалиги ва аччиқ хотираларини ёдга олади. Ўша пайтлари дунё кезиш тугул, кўчага чиқиш ҳам у учун орзу эди. Хасталиги сабаб ўзини ожиз ҳисобларди. Юртимизда ҳар бир инсонга кўрсатилаётган меҳр ва эътибор туфайли Жасурнинг ҳаёти ҳам нурга тўлди. Ҳунари орқали кишиларга қувонч улашиб, юрт кезмоқда.

1984 йили Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Сижжак қишлоғида туғилган Жасур зиёли оилада камол топаётган соғлом бола эди. Тақдирнинг аччиқ қисмати сабаб 13 ёшида белидаги асаб томирлари шамоллаши оқибатида икки оёғи ишламай, ногиронлик аравачасига михланиб қолди...

Шу зайлда йиллар ўтди. 2004 йилдан Жасур сомон санъати сирларини ўргана бошлади. Ва шу йўналишда Отабек Йўлдошевга шогирд тушди. Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган ўқувчилар касб-ҳунар коллежининг компьютер ускуналари бўлимида таҳсил олди. Коллежда компьютер сирларини ўрганиш билан бирга, сомон санъати билан ҳам мунтазам шуғулланди. Бироқ уни ишончсизлик, тушкунлик кайфияти ҳеч тарк этмасди.

Ана шундай кунларнинг бирида дўстлари Жасурга Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарини олиб келиб беришди. Китобни ўқиган ёш ҳунармандниг ўзига бўлган ишончи ортди.

ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

– Китобнинг "Энг буюк жасорат" деб номланган бўлимини кўзимда ёш билан ўқиб чиқдим, – дейди Ж.Жумаев. – Асарда энг буюк жасорат – бу маънавий жасоратдир, агар одам чин дилдан интилса, мақсадига албатта етиши ҳақида билдирилган фикрлар мен учун катта сабоқ бўлди. Шундан сўнг ҳунар сирларини эгаллашга қатъий ахд қилдим.

Жасур сомон санъати сирларини сабр-матонат билан ўрганди. Ҳунар ўрганиш билан бирга, олий маълумотга эга бўлишга интилди. 2008 йил Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг амалий санъат факультетига ўқишга кирди. 2012-2014 йилларда тасвирий санъат факультетининг Мультфильм ва компьютер мультипликацияси мутахассислиги бўйича магистратура босқичида таҳсил олди. Институтни аъло баҳоларда тамомлаган ёш ҳунарманд олий ўқув юртининг "Йилнинг энг яхши магистранти" дипломи ҳамда олтин медаль билан тақдирланди.

Санъат олами кенг ва ранг-баранг. У эстетик завқ манбаи бўлиб, ҳаётга гўзаллик бахш этиш, ҳаётни инсон орзу қилган қирраларда кўриш имконини беради. Жасур Жумаевнинг сомондан яратилган асарлари кишига эстетик завқ бериши билан бирга уни фикрлашга ундайди.

Президентимиз раҳнамолигида амалий санъатни ривожлантириш борасидаги кенг кўламли ишлар ҳунармандга имкониятлар эшигини очди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бунда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

– Оддий сомондан санъат намуналарини яратиш учун жуда мураккаб ва нозик амалларни бажариш керак, – дейди Жасур. – Бунда асосан оқбош ўсимлиги поясидан фойдаланилади. Бунинг учун поя аввал сувда ивитилади. Маълум вақт ўтгач, у қайчи ёки пичоқ ёрдамида ўртасидан кесиб ёйилади, сўнг ички тарафидан эҳтиёткорлик билан дазмолланади. Текис ҳолатга келган сомонлар рангига қараб ажратилади ва яратилажак композиция учун керакли шаклда кесилиб, жойлаштириб чиқилади. Мана шундай жараёнлардан ўтган оддий сомондан бетакрор санъат асарлари яратилади.

Сомон санъати орқали яратилган асарлар, хусусан, эртак қаҳрамонлари образи, гўзал тарихий обидаларимиз, табиат манзаралари, давлат рамзлари кишининг маънавий оламини бойитиб, бадиий-эстетик завқ бағишлайди. Бу санъат билан шуғулланиш кишида, айниқса, ёшларда тиришқоқлик, чидам, қатъиятлилик хислатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ж.Жумаев бугунги кунда сомондан миллий урф-одатлар, фольклор намуналарини тасвирлаш билан бирга, янгиликлар яратиш устида изланмоқда. Одатда сомон санъатидаги расмлар фақат сомон рангида бўлади. Бироқ Жасур табиий усулда олинган ранглар ёрдамида сомонни бўяб, рангли картиналар яратмоқда. Ўндан зиёд рангда тасвирланган "Карвон" картинаси шулар сирасидандир. У яратган асарлар томошабинлар, санъатшунослар ва ижодкорлар томонидан эътироф этилмоқда. Унинг миллий характердаги кичик ҳажмдаги асарлари ва маҳобатли сомон иши намуналари нафақат юртимиз, балки ўнлаб давлатлардаги музейлардан жой олган.

Ҳунарманд ўз ижод намуналари билан юртимиз ва халқаро микёсда ўтказилаётган фестиваль, танлов ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ж.Жумаев 2012 йили Президентимиз Ислом Каримов томонидан таъсис этилган "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланган. Шу йили "Ташаббус" кўрик-танловида иштирок этиб, "Менинг юртим – менинг ифтихорим" номинациясида ғолибликни қўлга киритган.

Ҳунарманд ҳозирги кунда ўзи ҳам шогирдлар тайёрламоқда. Уларга сомон санъати сирларини ўргатиш баробарида, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга фото санъати бўйича сабоқ бермоқда.

2015 йил ҳунарманд учун омадли йил бўлди. Президентимиз фармонига биноан Ж.Жумаев мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, фидокорона меҳнати, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун Ватанимизнинг юксак мукофоти – "Жасорат" медали билан тақдирланди. Шу билан бирга, "Эътироф – 2015" мукофотининг "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Ҳа, юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор Жасур сингари ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, мақсади сари интилиб, ҳаётдан завқланиб яшашига замин яратмоқда. Инсон қилган меҳнатидан роҳатланса, жамиятга наф келтирса, ўзини бахтлилар қаторида кўради. Зеро, ўз меҳнатларининг самарасини кўриш, халқимиз орасида эътирофга сазовор бўлиш энг катта бахтдир.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **11 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража совуқ, кундузи — 1 даража совуқ, 1 даража илиқ атрофида бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Топшириш вақти: 13.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 13.20
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ